



“КУЧЛИ” ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ (КТЭЗМ) ТУРЛари ВА АСОСИЙ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРИ.

Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқитиш маркази ўқитувчisi

Муқимов Илҳом Муродиллаевич

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР.

Республикамиз ҳалқ хужалигига, саноатнинг турли тармоқларида фаолият юритувчи корхоналар ишлаб чиқариш жараёнида турли хил (КТЭЗМ) лардан фойдаланади. КТЭЗМ дан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ёки транспортировка қилиш жараёнида турли сабабларга кўра турли даражадаги ФВлар юзага келиши мумкин.

Ўз ишлаб чиқариш жараёнида КТЭЗМ лар ишлаб чиқарувчи, улардан фойдаланувчи саноат корхоналари **КИМЁВИЙ ХАВФЛИ ОБЪЕКТ** лар дейилади.

КИМЁВИЙ ХАВФЛИ ОБЪЕКТ-авариялар содир бўлиши ёки бузилиши натижасида КТЭЗМларнинг атроф – муҳитга тўкилиши ва тарқалиши оқибатида одамларнинг, ҳайвонларнинг ва ўсимликларнинг оммавий захарланиш ҳолатларини келтириб чиқарадиган ҳалқ хўжалиги обьектидир.

КТЭЗМ лар-ҳавода ёки жойларда белгиланган миқдордан ортиб кетганда одамлар соғлигига салбий таъсир этувчи ёки ўлимга олиб келувчи моддалардир.

КТЭЗМ лар билан боғлиқ авариялар кимёвий хавфли обьектларда КТЭЗМ ни транспортировка қилиш жараёнида юз беради ва ишчи-хизматчилар, ҳамда, обьект яқинида яшовчи аҳоли соғлиги ва турмуш тарзига таъсир этади ёки одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади.

Республикамиз ҳалқ хужалиги ва саноат корхоналарида қўйидаги КТЭЗМлар кенг куламда ишлатилади: хлор, аммиак, кислоталар, олтингугурт ангидриди, сиан кислотаси, водород фторид, хлорпикрин, нитробензол, водород сульфид, акрил кислота нитрили, ӯювчи натрий, толуол ва турли эфир лар.

КТЭЗМ лар ишлатувчи ҳалқ хужалиги обьектларида авариялар келиб чиққанда ва улар оқибатида одамлар хаёти хавф остида қолганда уларни химоя қилишнинг асосий тадбирлари қўйидагилардан иборат.

I.ФУҚАРОЛАРНИ КТЭЗМ ЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАДБИРЛАР:

1.ФВ ЛАР ХАВФИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.

- Кимёвий обьектлarda авариялар юз берганда фуқароларни муҳофaza қилиш режаларини ишлаб чиқиш;
- КТЭЗМ ларни сақлаш ва фойдаланиш бўйича муҳандислик-техник тадбирларни мувофиқлаштириш;
- КХО лардаги авариялар билан боғлиқ ФВ ларни башорат қилиш;
- аҳолини КХО ларда кимёвий авариялар юз берганда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш;
- КХО ларда назорат ва кўзатув, шунингдек, ФВ лар оқибатларини бартараф этиш куч ва воситаларини доимий тайёргарлик ҳолатига келтириш ва ушлаб туриш.

КИМЁВИЙ ЗАРАРЛАНИШ ХУДУДИНИ БАШОРАТЛАШ:

ФМ бошқарув органлари кимёвий заарланиш худудларини аниқлаш усусларини билишлари ва олдиндан аниқлаш усусларини билишлари ва олдиндан аниқлашлари, шамол йўналиши, ҳаво ҳарорати каби КТЭЗМ лар йўналиши ва тарқалишига интенсив таъсир кўрсатадиган метеорологик ҳолатни дикқат билан кўзатиб боришлари зарур.

КТЭЗМ ЛАРНИ САҚЛАШ, ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРДАН МУХОФАЗАЛАНИШ БЎЙИЧА МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИК ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ.

Кимё саноати корхоналари биноларининг конструкциялари, ҳамда технологик қурилмаларнинг турличалиги билан бир-биридан тубдан фарқ қилгани ҳолда, улар учун кўп миқдорда ўзаро боғланган линияларнинг мавжудлиги характерлидир ва улардан ақалли биттасининг фаолияти тўхташи бутун корхонанинг маълум муддатга тўхташига олиб келади.

Шунинг учун авариясиз иш олиб боришни таъминлашда қўйдаги асосий тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- техника хавфсизлиги талабларига;



- трубопроводларни эксплуатация қилиш қоидаларига;
- КТЭЗМлар юқори босим остида сақланадиган ҳажмлардан тұғри фойдаланишга;
- КТЭЗМларни ёпиқ ҳажмларда босим остида сақланиш қоидалариға катта ахамият бериш зарур.

КУНДАЛИК КИМЁВИЙ НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИШ.

Кундалик кимёвий назорат лаборатор назорат тармоғига киравчы ва бошқа қўйидаги лабораториялар томонидан амалга оширилади.

- ДСЭНМ лабораториялари;
- ветеринария бошқармалари ва бўлимлари лабораториялари;
- табиатни муҳофаза қилиш қумиталари лабораториялари;
- “Ўзқишлоқхужаликкимё” лабораториялари;
- иктисодиёт объектлари лабораториялари;
- радиацион, кимёвий назорат постлари.

Худудлардаги радиацион, кимёвий вазиятни назорат қилувчи лабораториялар ўз фаолияти давомида узлуксиз равища жойларда кундалик кимёвий назоратни таъминлайдилар. Улар КТЭЗМ лардан хавонинг, жойнинг, биноларнинг, қурилмалар, транспортлар, шахсий ҳимоя воситалари, кийимлар, озиқ-овқатлар, сув ва фурожларнинг заараланганлик даражасини кимёвий разветка асбоблари ёрдамида улардан намуналар олиб кимёвий лабораторияларда таҳлил қиласди.

АХОЛИ ВА ФМ ТУЗИЛМАЛАРИНИ ШАХСИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ.

-корхоналарда шахсий ҳимоя воситалар тегишли кўрсатма асосида ёки раҳбарининг қарорига асосан тарқатилади;

- шахсий ҳимоя воситаларини олишда ишчи ва хизматчилар уларни ўлчамлари бўйича танлашлари, яроқлилигини текшириб кўришлари, ҳамда ёнларида саклашлари зарур;

-агар корхоналар томонидан ишчи-хизматчиларга ва ахолига шахсий ҳимоя воситалари тарқатилмаса, у холда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан шахсий ҳимоя воситалари тарқатиш жойлари олдиндан белгилаб қўйилади;

КИМЁВИЙ РАЗВЕТКА ЎТКАЗИШ.

Объект ФМ бошлиғи авария юз берган жойда мавжуд кимёвий разветка асбоблари ёрдамида зудлик билан кимёвий разветка ўтказишни ташкил этади. Разветка натижалари ФВлар оқибатларини бартараф этиш ва муҳофаза тадбирлари ўтказиш учун режалар ишлаб чиқишига асос бўлади.

ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ.

-тиббий ёрдам захарланиш турига, захарланиш даражасига, ҳамда заҳарли моддалар табиатига қараб ташкиллаштирилади;

-ишқорий моддалар билан заҳарланганда кислоталик хоссасига эга бўлган дорилар ишлатилади ва аксинча, кислота хоссасига эга бўлган моддалар билан заҳарланганларга ишқорий дорилардан фойдаланилади. **Масалан;** кислоталик хоссасига эга бўлган моддалар-олтингугурт ангидриди ёки хлорпикриндан заҳарланганда оғиз, бурун, томоқ ва кўзлар 2% ли ичимлик содаси эритмаси билан ювилади. Ишқорий хоссага эга бўлган модда-аммиак билан заҳарланганда тери шиллик қаватлар сув ёки 2% ли бор кислотаси билан ювилади.

-организм заҳарли моддалардан тозаланади (кўз ва шиллик қаватлар ювилади, қустирилади).

-организм фаолиятини тиклаш учун тадбирлар амалга оширилади (кислород бериш, юракни массаж қилиш, сунъий нафас олдириш).

-баъзи моддалар билан заҳарланганда маҳсус антидотлардан фойдаланилади, бундай антидотлар ҳар бир кимёвий хавфли объекtlар захираси сақланиши зарур:



КТЭЗМ ЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ФВ ЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ.

-аварияларни бартараф этиш пайтида биринчи навбатда заҳарли моддаларнинг атмосферага тарқалиши ва жойларга тўкилишини тўхтатиш тадбирлари амалга оширилади. Бунинг учун кранлар ва маҳкамлагич қурилмаларини зичлаб ёпиш керак.

-ҳажмлар ва трубопроводларда ҳосил булган ёрикларга мос баңдажлар ва пластирлар қўйилади, зарур ҳоллана ёғоч ёки металл тиқинлар қоқиб қўйилади.

-КТЭЗМ ни соз ҳолдаги ҳажмларга хайдалади. Кўп микдорда тўкилган заҳарли моддаларни йигиш учун якин жойда ариқлар ва зовурлар қазилади.

ИҚТИСОДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АСОСИЙ КТЭЗМЛАР ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА КТЭЗМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ АВАРИЯЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР

ХЛОР

Физик-кимёвий хоссалари. Ўзига хос сарғиш – яшил, ўткир ҳидли газ. Сувда кам эрийди, босим остида суюқ ҳолда ташилади . Ҳаводан 2,5 марта оғир, шу сабабли атмосферанинг пастки кисмида йигилади. Захарлаш концентрацияси – 0,01мг/л. Ўлдириш концентрацияси -0,1 мг/л. Ҳавода 5-10 мг/л концентрацияда ўлим бирдан юз бериши мумкин. **Таъсири.** Буғлари билан тўқнашганда шиллик қават (кўз, нафас йўллари, бурун) куйиши натижасида кўкракда ўткир оғриқ, кўруқ ўйтал, қоринда ичбурург пайдо бўлади. Кўзни ачиштиради.

Зарурий тадбирлар. Тери ва нафас аъзоларини химояловчи воситалар кийилади; Хлор тўкилиши тўхтатилади ёки соз ҳолдаги сигимга қўйиб олинади; Қутқарувчилар ва тиббиёт ходимлари чақирилади;

Заарарланган худуддаги аҳоли хабардор қилинади, ҳимоя воситалари тарқатилади, зарур бўлган дегазация қилинади ва 13км узоқликка эвакуация қилинади. Ҳимоя воситалари сифатида ишқорий – кислотали маҳсус ҳимоя костюми, В-индексли газниқоб, в-маркали филтирловчи газниқоблардан фойдаланилади.

Заарарсизлантириш (нейтрализация) – 1 тонна хлорни заарарсизлантириш учун 120 тонна сув ишлатилади, шунингдек уни нейтрализация қилиш учун 20 % ли каустик сода эритмасидан фойдаланиш мумкин.

Биринчи тиббий ёрдам. Жабрланганлар тоза ҳавога олиб чиқилади, газниқоб ечилади, кўз ва шиллик қаватлар 15 мин. Давомида 2% ли сода эритмаси билан ювилади. Нафас олиши кузатилмаса оғиздан- оғизга усулида сунъий нафас берилади. Ичимлик сифатида содали сут ва кофе берилади.

АММИАК

Физик-кимёвий хоссалари. Бўғувчи ўткир ҳидли рангсиз газ, ҳавога тарқалганда тутайди. Суюлтирилган ҳолда ташилади, сувда эрийди. Аммиакли идишлар қиздирилганда, ҳамда буғлари ҳаво билан аралашганда портлаши мумкин. Сезиш концентрацияси-0,037 мг/л Бинодаги йўл қўйилиши мумкин бўлган концентрацияси-0,02 мг/л, аҳоли яшайдиган жойда 0,0002мг/л 1 соатли экспозицияда заҳарлаш даражаси 0,25мг/л, ўлимга олиб келувчи концентрацияси 3,8мг/л. 50-100мг/л.дозада шу ўлим юз беради.

Таъсири. Асосан нафас аъзоларига таъсир қиласи. Нафас олиш қийинлашади, юрак ва томир уруш частотаси бузилади, кўз ачишади ва ёш оқа бошлайди.

Зарурий тадбирлар. 100м радиусда ҳавфли худуд изолация қилинади, худудга фақатгина ажратувчи газниқобда ва Л-1 костюмida кирилади. Жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатилади, аҳоли ҳавф тўғрисида огоҳлантирилади, зарур бўлса 5 км узоқликка эвакуация қилинади. Ҳимоя воситалари сифатида “К”, “КД” ва енгил ҳимоя комплекти- “Л-1” ишлатилади.

Заарарсизлантириш (нейтрализация) – 1 тонна аммиак буғларини заарарсизлантириш учун 20 тонна сув зарур бўлади, аммиак буғларини заарарсизлантириш вақтида сувни майда пуркалган ҳолда қулланилади, яъни сувни аммиакли идиш устига тўғридан – тўғри сепиш ёки қуиши **ТАЪЦИҚЛАНАДИ**.

Биринчи тиббий ёрдам. Жабрланганлар очиқ ҳавога олиб чиқилади, имкон даражасида ҳавоси нам, иссиқ бўлган тинч жой билан таъминланади. Тери ва шиллик қаватлар сув ёки 2 % ли бор кислотаси билан ювилади. Кўзга альбуциднинг 30% ли эритмасидан 2-3 томчи томизилади. Аммиак билан заҳарланганда сунъий нафас олдириш тақиқланади.



КТЭЗМ лар БИЛАН БОҒЛИҚ АВАРИЯЛАР ЮЗ БЕРГАНДА БАЖАРИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР:

ХЛОР ТЎКИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ АВАРИЯЛАР ЮЗ БЕРГАНДА.

1. УМУМИЙ ХАРАКТЕРДАГИ ҲАРАКАТЛАР;

- авария содир булган жойга одамларни йўлатмаслик;
- шамол эсаётган томонда туриш;
- паст ёки чуқур жойларга тушмаслик;
- хавфли худудни ажратиш ва бегоналарни қўймаслик;
- хавфли худудга фақат тўлиқ химоя кийимларини кийган ҳолда кириш;
- зараланган худуддан олиб чиқилган одамларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун жўнатиш;

2. ИДИШДАН ХЛОР ОҚИБ ТУШГАНДА ЁКИ ТЎКИЛГАНДАГИ ҲАРАКАТЛАР;

- тўкилган модда якинига келмаслик;
- хлор тукилган жойдан ёнувчи моддаларни зудлик билан олиб чиқиш;
- агар мумкин бўлса, мутахассислар иштирокида хавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда хлор томчилашини бартараф этиш ёки соз ҳолдаги идишларга қўйиб олиш;
- хлорли вагонни хавфсиз жойга ўтказиш;
- хлор интенсив томчилаганда унинг бугларини нейтраллаш учун сув пуркагичлардан фойдаланиш;
- авария юз берган худудни 200 метр радиусда ажратиш;
- авария жойига газдан кутқарувчиларни чақириш;
- газдан заҳарланиш тўғрисида шаҳар ва туман ФМ штаби раҳбарларини хабардор этиш;
- заҳарли газдан заҳарланганларни олдиндан белгиланган эвакуация худудига кўчириш;
- сув хавзаларига заҳарли предметлар ва моддаларнинг тушишига йўл қўймаслик;
- сувлар заҳарланган ҳолларда санитария эпидемиология назорати ходимларига хабар бериш;
- хлор тўкилган жойларга сув, оҳак суви, сода эритмаси ёки контейнерлар шикастланганда хавфсиз жойга олиб чиқиш ва мутахассисларни чақириш;
- зарарланган транспорт воситаларини дегазация қилиш;

3. ЁНГИН СОДИР БЎЛГАНДА:

- тўлиқ химоя кийимларини кийиш;
- ёнгин яқин жойдаги КТЭЗМ ли идишларни агар хавфсиз бўлса бошқа жойга кўчириш;
- КТЭЗМ ли идишларга яқинлашмаслик;
- Максимал масофадан КТЭЗМ ли идишларни совутиш;
- Ёнгинни барча ўтириш воситаларини жалб қилган ҳолда бартараф этиш;

4. БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ:

- жабрланувчиларга зудлик билан газниқоблар кийдириш;
- уларни тезда тоза ҳаволи заарланмаган жойга олиб чиқиш;
- эгнидаги сикувчи кийимларни ечиш;
- нафас олиши тўхтаганда ёки секинлашганда “оғиздан-оғизга”усулида сунъий нафас олдириш;



-кўз, оғиз ва бурунни оз миқфдорда сода қўшилган тоза сув билан ювиш;

-агар имконият бўлса, жабрланувчиларга кўп миқдорда ичимлик-чой, кофе ва содали иссиқ чой ичириш керак;

-совуқ пайтда иссиқ ва тинч жой билан таъминлаш керак;

АММИАК БИЛАН БОҒЛИҚ АВАРИЯЛАР ЙОЗ БЕРГАНДА.

1. УМУМИЙ ХАРАКТЕРДАГИ ҲАРАКАТЛАР;

-бегона кишиларни авария содир булган жойдан ўзоклаштириш;

-шамол эсаётган томонда туриш;

-авария юз берган худудни ажратиш ва бегоналарни

-авария худудига фақат ҳимоя кийимида кириш;

-ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш;

-жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

-зарарланган худуддан олиб чиқилган одамларни тиббий куриқдан ўтиш учун жўнатиш

2. ИДИШДАН АММИАК ОҚИБ ТУШАЁТГАНДА ЁКИ ТЎКИЛГАНДА;

-очик ўт ва аланга манбааларини бартараф этиш;

-мутахассислар иштирокида аммиа оқишини бартараф этиш ёки хавфсизлик чоралари

кўрилган ҳолда соз ҳолатдаги ҳажмларга ҳайдаб олиш;

-КТЭЗМ ли вагонларни хавфсиз жойга олиб қўйиш;

-газ чиққанда уни сувни пуркалган ҳолда нейтраллаш;

-авария худуддини газ тарқалмасдан 100 метргача радиусда ураб олиш;

-зарраланиш ҳавфи тўғрисида маҳаллий ФМ раҳбарларини хабардор этиш;

-авария натижасида газдан захарланганларни аввалдан белгиланган жойда эвакуация қилиш;

-захарли моддаларнинг сув ҳавзаларига, тунел, канализация ва подволларга тушшишига йўл қўймаслик;

-сув ифлосланганда санитария эпидемология хизматига хабар бериш;

-синган балонларни ажратиб олиб, сувли идишларга ташлаш;

3. ЁНГИН СОДИР БЎЛГАНДА:

- КТЭЗМ ларни ут кетган жойдан олиб чиқиш, агар хавф тўғдирмайдиган бўлса тула ёнишига имкон бериш;

-ёнаётган ҳажмларга яқин келмаслик;

-мумкин булган максимал масофадан сув ёрдамида ҳажмларни совутиш;

-сув пуркач йули Билан максимал масофадан ёнғинни ўчириш;

4. АЛАНГА КЎЧАЙГАНДА:

-алангани сув оқимида учирин;

-КТЭЗМ лар оқиши тухтатгандаги каби ҳаракат қилинади;

5. БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ:

-Аммиак буғлари билан захарланган жабрланувчига маҳсус газниқоб (“K” маркали фильтрловчи, ёки “M” маркали ажратувчи) кийдирилади:

-жабрланганлар иссиқ сув бўғлари билан нафас олдириш;



-нафас олиши қийинлашганда ёки бутунлай тухтаганда жабрланувчини хавфсиз худудга олиб чиқиб “огиздан-огизга” усулида нафас олдириш;

-аммиак ошқонга тушганда жабрланувчига озроқ сирка қушилган иссиқ сув бериш ва сунъий қайд қилдириш;

-аммиак кўзга тушганда куп миқдордаги сув билан ювиш;

-катта миқдорда кўшиш юз берганда беморга оғриқсизлантирувчи дорилар юбориш;

-терида кўйиш оқибатида пуфакчалар пайдо булганда стерилланган боғлагичлар кўйиш зарур, бунда беморнинг эгнидаги кийимлар ечилади, яъни кийимга тушган аммиак ўзок вакт сақланиб туради ва шу вакт давомида ўз захарловчи таъсирини кўрсатади;

-жабрланувчини иссиқ жой билан таъминлаб унга иссиқ ичимлик (сут) бериш;

ХЛОР БИЛАН ЗАХАРЛАНГАНДА

1. УМУМИЙ ХАРАКТЕРДАГИ ҲАРАКАТЛАР:

-бегона кишиларни авария юз берган худуддан ўзоклаштириш

-шамол эсаётган тамонда туриш;

-чуқурлик ёки паст жойларга тушмаслик;

-сульфат ва хлорид кислоталар учун хавфли худудни 50 метр радиусда, нитрат кислатаси ва меланж учун 800 метр радиусда ажратиши;

-аврия худудига фақат тўлиқ ҳимоя кийимида кириш;

-жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши;

2. КТЭЗМ окканда ёки тўкилганда:

-тўкилган модда яқинига келмаслик;

-нитрат кислотали, меланж окканда ёки тўкилганда заарланган худуддан ёнувчи моддаларни, мой ва бошқаларни олиб чиқиш;

-кўп миқдорда (интенсив) тоққанда ёки тўкилганда худудни тўпроқ уюми билан чегаралаш;

-авраия худудига ўт ўчириш ва газдан кутқариш хизматини чақириш;

-буғларни боғлаш учун оҳакли эритмадан фойдаланиш;

-сув ифлосланган пайтда санитария-эпидемиология назорати хизматига хабар бериш;

-нейтрализация ишларини каустик сода, кир ювиш кукини, оҳак ва бошқа ишқорий эритмалар иштироқида олиб бориш;

-КТЭЗМ оқишини тухтатгандаги каби ҳаракат қилиш;

3. Ёнгин пайтида:

-тўлиқ ҳимоя кийимларини кийиш;

-максимал масофадан туриб ёнгинни кўп миқдордаги сув оқимида ўчириш;

4. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши:

-жабрланувчини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш;

-ифлос кийимларни ечиш;

-кислотани теридан кўп миқдордаги сув билан ёки 20% ли ичимлик содаси эритмаси билан ювиб ташлаш;



-кўзга кислота тўкилганда кўп миқдордаги су вёки 2% ли ичимлик содаси билан ювиб ташлаш;

-нафас олиши қийинлашганда ёки бутунлай тухтаганда жабрланувчини хавфсиз худудга олиб чиқиб “оғиздан-оғизга” усулида нафас олдириш;

-аммиак ошқозонга тушганда-жабрланганга озрок сирка қўшилган иссиқ сув бериш ва сунъий қайт қилдириш;

-аммиак кўзга тушганда кўзни кўп миқдордаги сув билан ювиш;

-катта миқдорда куйиш юз берганда беморга оғриқсизлантирувчи дорилар бериш;

-жабрланувчиларни зудлик билан шифохонага ётқизиш;

жанговар кимёвий моддалар (захарловчи жанговар моддалар) - ҳарбий харакатлар чоғида душман кучларини маълум вақтга ёки бутунлай сафдан чиқариш мақсадида ишлатиладиган, одам организмига кирганда унга салбий таъсир этиб, организмда заҳарланишини келтириб чиқарувчи моддалардир.

кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар - асосан саноатнинг турли соҳаларида кўп миқдорда ишлатиладиган, ўз хоссаларига кўра (оз миқдорда ҳам) тирик организмлар фаолиятини издан чиқарувчи- заҳарланишини келтириб чиқарадиган кимёвий моддалардир.

Охирги йилларда террорчилик гурухлари томонидан террорчилик харакатларини амалга оширишда кимёвий заҳарли моддалар кўлланилмоқда.

ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИ СОДИР ЭТИШ МАҚСАДИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ЭҲТИМОЛИ БЎЛГАН КИМЁВИЙ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ ҲАРАКТЕРИСТИКАСИ.

Террорчилик харакатларини содир этишда кимёвий заҳарли моддалар ишлатилиш эҳтимолининг юқорилиги шундан иборатки, бу воситалар ингаляцион (нафас аъзолари) йўл ва тери орқали сўрилиб тез таъсир этиши, кимёвий заҳарли моддаларнинг таъсир этиш яширин даврининг бўлмаслиги, ҳавода заҳарловчи концентрацияни вужудга келтириш имкониятининг мавжудлиги ва бошқалар. Кимёвий заҳарли моддаларни саноатда ишлаб чиқариш ва лаборатория шароитида тайёрлаш мумкин, сақлашга қулай, турли хил транспорт воситалари орқали яширин ҳолатда террорчилик харакати содир этиладиган жойга етказиб бориш ва жанговар агрегат ҳолатга келтириш мумкин.

Кимёвий воситаларнинг юқорида келтирилган хусусиятлари асосан жанговар заҳарли моддаларга хос бўлиб, террорчилик харакатларини содир этишда қўлланиладиган моддалар қаторига киритиш мумкин.

Кимёвий терроризм ўзининг табиатига кўра заҳарлар ишлатиш йўли билан амалга ошириладиган ёки кимёвий хавфли обьектларда содир этиладиган кўпорувчилик жиной ҳаракатлардан тубдан фарқ қилади. Бу ерда гап факатгина умумий қабул қилинган заҳарли моддалар ёки заҳарлар ҳақида бўлмай, уларни аҳолини оммавий заҳарлаш мақсадида ишлатиш ҳақида кетмокда. Бундай моддаларга биринча навбатда қўйидаги хусусиятларга эга бўлган жанговар заҳарловчи моддалар киради:

-ўта юқори заҳарлилиқ, кам миқдорда ҳам ўлим ҳолатини келтириб чиқариши, кўзга кўринмаслиги, нафас олганда ва терига теккандা сезилмаслиги;

-жароҳатланмаган тери қопламалари ва юқори нафас йўллари шиллиқ қаватлари ва кўз орқали инсон организмига кириш хусусиятининг юқорилиги;

-террорчилик харакатини амалга ошириш мақсадида тез ва осон қўллаш учун қулай хусусиятларининг мавжудлиги.

Бундай хусусиятларнинг ўйгунилиги жиной амалиётда учрайдиган ёки кимё саноатида ишлатиладиган заҳарли моддалар хусусиятларига хос эмас. Аммиак, хлор ҳаттоқи фосген ёки цианид кислотасини ҳам зарин, зоман, ёки Ви газ каби жанговар заҳарловчи моддаларга тенглаштириб бўлмайди. Кимёвий курол арzon ва уни тайёрлаш осон, кам таркибдаги мутахассислар томонидан ҳам лаборатория шароитида осон тарзда синтез қилиб тайёрлаш мумкин.

Бундай моддалар руйхати ва уларнинг хусусиятлари қўйида келтирилган. (**1-ЖАДВАЛ**).

Кам миқдорда қўлланилган кимёвий заҳарли моддаларнинг заҳарловчи концентрациялари террорчилик харакати содир этилган жойдан турли хил масофаларда ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. (**4- ЖАДВАЛ**).

1-ЖАДВАЛ

Террорчилик харакатларини содир этишда қўлланилиш хавфи юқори



бўлган кимёвий ва заҳарли моддалар рўйхати.

Модданинг номи	Таъсир этиш хусусияти
Зарин	Нервларни фалажловчи
CR (Си -Ap), CS (Си-Эс), хлорацетофенон, хлор, хлорацетон, бромацетон.	Таъсирловчи
Фосген, хлорпикрин	Бўғувчи
Люизит, иприт, азот иприти	Терига таъсир этувчи
Цианид кислотаси, хлорциан, акрилонитрил, бромциан, бромметан	Умумзахарловчи
Метилмеркаптан, углерод сульфиди	Наркотик
Аммиак	Куйдирувчи

2-жадвал

ХАВФЛИ КИМЁВИЙ ВА ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ, ЁНИШ ВА ПОРТЛАШГА ХАВФЛИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Моддалар номи	Одатдаги шароитда агрегат ҳолати	Молекуляр оғирлиги, шартли бирлик	Қайнаш ҳарорати, °C	Эриш ҳарорати, °C	20 °C ҳароратда, тўйинган бүғининг босими, мм. симоб уст.	Одатдаги шароитда ҳаводаги бугининг нисбий зичлиги.	Хусусиятли хиди	Ёниш ва портлашга хавфлилиг и
Азотли ипритлар: HN-1 HN-2 HN-3 Акрилонитрил	суюқ						Тирик балиқ, геран	Ёнмайди
		170,0	195,0	-34,0	0,008	5,9		
		156,0	180,0	-60,0	0,009	5,4		
		204,5	230,0	-4,0	0,007	7,1		
		53,1	77,5	-83,5	85,0	1,8	Ўзига хос хидли	
Аммиак	газ	17,0	-33,4	-77,0	8546,0	0,6	Кучли нашатир спирти	Портлаш хавфи
Бромацетон	суюқ	137,0	136,5	-54,0	9,0	4,7	Кучли таъсирловчи	
Бромметан	газ	95,0	3,6	-95,0	1380,0	3,3	Хлороформнинг кучсиз хиди	Ёниш портлаш хавфли
Бромциан	қаттиқ модда	105,9	61,3	52,0	88,4	3,7	Кучли таъсирловчи	Портлаш хавфи
Зарин	суюқ	140,1	158,0	-56,0	1,48	4,9	Кучсиз эфир хиди	



Иприт	суюқ	159,1	217,0	14,7	0,07	5,5	Пиёз, хантал ёки сарим-сокпиёз ҳиди	Ёнмайди
Люзит		207,3	196,6	-13,0	0,4 (25 °C)	7,3	Кучли таъсирчан, ёқимсиз ҳидли	
Метилмеркапта н	газ	48,1	5,9	-123,0	1351,8	1,7	Ёқимсиз ҳидли	Ёниш-портлаш хавфи
Углерод сульфиди	суюқ	76,0	46,3	-110,8	298,0	2,6	Эфир ҳиди	Портлаш хавфи
Цианид кислотаси		27,1	25,6	-13,3	612,0	0,9	Аччик бодом ҳиди	
SR (Си-Ар)	каттиқ модда	195,2	339,0	72,0	18,3	6,7	Эфир ҳиди	Ёнмайди
CS (Си-Эс)		188,6	315,0	95,0	$9,8 \times 10^{-6}$	6,5	Кучли таъсирчан	
Фосген	газ	98,9	8,2	-118,0	1178,0	3,4	Ачиған мевалар ҳиди	Ёнмайди
Хлор		70,9	-34,1	-101,3	5216,5	2,4	таъсирчан	
Хлорацетон	суюқ	92,4	119,0	-44,5	9,6	3,2	Портлаш хавфи	
Хлорацетонфен он	каттиқ модда	154,6	245,0	59,0	$1,3 \times 10^2$	5,3	Гуллаган черемуха	Ёнмайди
Хлорпикрин	суюқ	164,3	113,0	-69,2	18,3	5,8	Чириған картошка	
Хлорциан	газ	61,4	12,6	-6,5	1002,0	2,1	таъсирчан	Ёниш-портлаш хавфи

3-жадвал

Хавфли кимёвий ва заҳарли моддаларнинг токсикологик тавсифи ва инсон организмига таъсир этиш хусусиятлари.

Модда номи	Рұхсат этилған миңдері (ПДК) мг/м ³	Токсодозалари мг.мин/л		Одам организмига таъсир этиш хусусияти
		Захарловчи, PC ₅₀	Үйдірүвчи, LC ₅₀	
			Терига таъсир этиши токсодозаси LD ₅₀ , мг/кг	



Азотли ипритлар:						Kўз ва нафас йўллари шиллик пардаларининг таъсирланиши; терининг кизариши, шишиши, йирингли яралар пайдо бўлиши, кўришнинг йўқолиши, қусиш, қон кетиши, ўпка шиши.
HN-1	-	1×10^{-2}	1,5	-		
HN-2	-	3×10^{-3}	3,0	10-20		
HN-3	-	1×10^{-2}		-		
Акрилонитрил	3×10^{-2}	3×10^{-3}	7,0	-		Kўз шиллик пардасининг таъсирланиши, терининг куйиши, бош оғриши, талваса.
Аммиак	0,2*	0,25	100,0	-		Kўз, нафас йўллари шиллик пардасининг таъсирланиши, терининг куйиши.
Бромацетон	$1,5 \times 10^{-3}$	1×10^{-2}	-	-		Kўз, нафас йўллари шиллик пардасининг таъсирланиши, кўздан ёш оқиши.
Бромметан	5,0	35	900,0	-		Бош оғриши, кўнгил айниши, қусиш, талваса.
Бромциан	0,1	6×10^{-3}	18,0	-		Kўз, нафас йўллари шиллик пардасининг таъсирланиши.
Зарин	2×10^{-7}	3×10^{-3}	0,1	24,0		Миоз, кўкрак ва пешона соҳаларида оғриқ, кўнгил айниши, йўтал, қусиш, талвасалар.
Иприт	2×10^{-6}	3×10^{-2}	1,3	70,0		Kўз, нафас йўллари шиллик пардасининг таъсирланиши, терининг кизариши, шишиши, йирингли яраларнинг пайдо бўлиши, кўришнинг йўқолиши, қусиш, қон кетиши, ўпка шиши.
Люзит	4×10^{-6}	6×10^{-4}	0,5	20,0		Kўз, нафас йўллари шиллик пардасининг таъсирланиши, йўтал, кўнгил айниши, ҳансираш, терининг кизариши, шиши ва пуффакчалар пайдо бўлиши, талваса.
Метилмер-каптан	9×10^{-6} *	1,7	170,0	-		Бош оғриши, кўнгил айниши, қусиш, талваса.
Углерод сульфиди	3×10^{-2} *	4,5	900,0	-		Бош оғриши, юзнинг кизариши, кучли кўзғалиш, қусиш, талваса, хушсизлик.
Цианид кислотаси	1×10^{-2}	5×10^{-2}	2,0	1,0		Оғиздан металл таъми келиши, кўнгил айниши, қусиш, талваса, нафас олиш параличи.
SR (Си-Ар)	-	4×10^{-5}	350,0	-		Kўз, нафас йўллари шиллик пардаси ва терининг таъсирланиши.
CS (Си-Эс)	-	2×10^{-3}	25,0	-		Kўз, нафас йўллари шиллик пардаси ва терининг таъсирланиши, кўкрак қафасида оғриқ.
Фосген	5×10^{-3}	3×10^{-2}	3,2	-		Нафас йўлларининг таъсирланиши, йўтал, ҳансираш, ўпка шиши
Хлор	0,1*	3×10^{-2}	6,0	-		Кучли кўзғалиш, кўкрак қафасида оғриқ, ҳансираш, ўпка шиши, хушсизлик.
Хлорацетон	0,1	2×10^{-2}	-	-		Kўз, нафас йўллари шиллик пардасининг таъсирланиши, кўздан ёш оқиши.
Хлорацето-фенон	3×10^{-6}	2×10^{-2}	85,0	-		Kўз, нафас йўллари шиллик пардасининг таъсирланиши, кўздан ёш оқиши.
Хлорпикрин	7×10^{-3}	1×10^{-2}	20,0	-		Kўз, нафас йўллари шиллик пардасининг таъсирланиши
Хлорциан	5×10^{-4}	1×10^{-2}	11,0	-		Kўз, нафас йўллари шиллик пардасининг таъсирланиши, кўнгил айниши, қусиш, талваса.



Аҳоли яшаш пунктлари атмосфера ҳавосидаги бир марталик максимал рухсат этилган миқдор

(ПДК) ҳавфли кимёвий ва заҳарли моддаларнинг тўқилган жойидан турли хил масофаларда бўлиши мумкин бўлган миқдорлари хисоби.

Модда номи	Одатдаги шароитдаги максимал миқори, мг/л	Рухсат этилган миқдори (ПДК) мг/м ³	Модда миқдори, кг	Модданинг заҳарланиш манбаидан турли хил узоклиқда (м) бўлиши мумкин бўлган миқдори (мг/м ³)			
				10	20	50	100
Акрилонитрил	245,9	0,03	2,0	1,8	0,6	0,2	0,1
			5,0	3,3	1,5	0,5	0,2
			10,0	7,6	3,1	1,1	0,5
Аммиак	862,8	0,2*	2,0	8,0	3,7	1,3	0,6
			5,0	20,0	9,2	3,3	1,5
			10,0	40,0	18,0	6,6	3,1
Зарин	11,3	2×10^{-7}	1,0	0,014	6×10^{-3}	2×10^{-3}	1×10^{-3}
			2,0	0,028	0,013	5×10^{-3}	2×10^{-3}
			5,0	0,069	0,032	0,012	0,005
			10,0	0,139	0,064	0,023	0,011
Люзит	4,41	4×10^{-6}	1,0	4×10^{-4}	2×10^{-4}	1×10^{-4}	5×10^{-5}
			2,0	$5,2 \times 10^{-3}$	$2,4 \times 10^{-3}$	9×10^{-4}	4×10^{-4}
			5,0	0,013	6×10^{-3}	2×10^{-3}	1×10^{-3}
			10,0	0,026	0,0122	$4,3 \times 10^{-3}$	2×10^{-3}
Метилмеркаптан	2191,0	$2 \times 10^{-6}^*$	1,0	5,3	2,5	0,9	0,4
			2,0	19,7	4,9	1,8	0,8
			5,0	26,8	12,3	4,4	2,0
			10,0	53,5	24,6	8,8	4,1
Цианид кислотаси	893,0	0,01	2,0	6,1	2,8	1,0	0,5
			5,0	15,2	7,0	2,5	1,1
			10,0	30,4	14,0	5,0	2,3
Фосген	4294,0	5×10^{-3}	2,0	9,5	4,4	1,6	0,7
			5,0	23,0	11,0	3,9	1,8
			10,0	47,0	21,0	7,8	3,6
Хлор	3607,0	0,1*	2,0	7,3	3,3	1,2	0,5
			5,0	18,0	8,3	2,9	1,4
			10,0	35,0	16,5	5,9	2,7



Хлорциан	3300,0	0,5	2,0	8,5	3,9	1,4	0,6
			5,0	19,9	9,7	3,4	1,5
			10,0	42,5	19,6	7,0	3,2

ХАВФЛИ КИМЁВИЙ ВА ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАРДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРГА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСЛАРИ.

Хавфли заҳарли моддаларни кўллаш билан содир этиладиган террорчилик ҳаракатлари натижасида юзага келадиган фавқулодда вазиятларда аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва амалга ошириш ишлатилган кимёвий модданинг туридан қатъий назар ўзига хос хусусиятларга эга.

Заҳарланганларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни қисқа муддатларда амалга ошириш муҳим хисобланади. Заҳарланишнинг биринчи соатларида тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифатли амалга оширилиши муҳимдир. Шунинг учун фавқулодда вазият ўчогида тиббий ёрдам кўрсатишнинг асосий принципларидан бири, айниқса номаълум заҳарли модда қўлланилган ҳолатларда содир бўлган воқеа жойига имкон даражасида яқинроқ бориш мақсадга мувофиқ.

Жабрланганларга шифохонага юборилгунга қадар кўрсатиладиган тиббий ёрдам тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши лозим, акс ҳолда кейинги босқичларда амалга ошириладиган муродларнинг самарадорлиги паст бўлиши мумкин. Шунинг учун амалга оширилаётган тиббий-санитар тадбирлар шошилич кўрсатмаларга кўра малакали ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олиши лозим.

Бундай вазиятларда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатишда асосий услубий ёндошиш куйидагилардан иборат бўлади:

- биринчи тиббий ёрдам;
- шифокоргача кўрсатиладиган тиббий ёрдам;
- биринчи шифокорлик ёрдами;
- малакали (ихтисослашган) тиббий ёрдам.

Биринчи тиббий ёрдам-заҳарланиш ўчогида аҳоли ўз-ўзига ва ўзгаларга ҳамда ўчокқа киритиладиган маҳсус тузилмалар (кутқарув отрядлари, санитар дружиналар) томонидан амалга оширилади.

Шифокоргача кўрсатиладиган тиббий ёрдам-тиббий маълумотга эга бўлган ходимлар томонидан фавқулодда вазият ўчогида ёки унга яқин бўлган жойда кўрсатилиб, биринчи тиббий ёрдам тадбирларини тўлдириб туради.

Биринчи шифокорлик ёрдами- мутахассис шифокорлар томонидан заҳарланиш ўчогидан ташкари худудда, маълум бир шароитда, хусусан қабул қилиш, сараплаш, боғламлар кўйиш ва эвакуация қилиш қисмларига эга бўлган даволаш-эвакуацион босқичида амалга оширилади.

Малакали (ихтисослашган) тиббий ёрдам-тиббий ёрдамнинг энг юқори тuri бўлиб, соҳавий врач-мутахассислар томонидан, ихтисослашган касалхона, марказ, госпиталларда, маҳсус тиббий жиҳозлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Жабрланганларни кейинги, тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилиши мумкин бўлган босқичга ўтказишдан аввал, уларга имконияти бор қадар, бошқа тиббий ёрдам турларида кўзда тутилган муолажаларнинг минимал сонини амалга ошириш лозим.

Кимёвий заҳарли моддалар билан заҳарланганларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат:

- кимёвий заҳарли модданинг организмга таъсирини тўхтатиш;
- хаётий кўрсатгичлар бўйича кечикириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни кўрсатиш;
- антидотлар билан (маҳсус йўл билан) даволаш;
- жабрланган одамнинг организмидаги токсик моддаларни чиқариш (детоксикация);
- симптоматик даволаш.

Кимёвий заҳарли моддалар одам организмига таъсири қилиш чоғида иккита бир- бирига боғлиқ жараён ўтиши кузатилади.

Биринчи жараён - заҳарли модданинг токсикокинетикаси - заҳарли модданинг одам организмига кириш йўллари, тезлиги, аъзо ва тўқималарга тарқалиши, биотрансформацияга учраши (оксидланиши, жигарда конъюгацияга



учраши) ҳамда организмдан чиқиб кетиш йўллари ва тезлиги билан боғлиқ.

Иккинчи жараён – заҳарли модданинг токсикодинамикаси - заҳарли модданинг у ёки бу биологик субстратга (тўқима, хужайра, органоид) кўрсатган таъсири натижасида юзага келадиган токсик ўзгаришлар.

Табиийки, заҳарли модданинг токсикокинетикаси ўзгариши билан унинг токсикодинамикасида ҳам ўзгаришлар юз беради. Масалан, заҳарли моддани, гемосорбция ёрдамида бевосита қон таркибидан ажратиб олиниши заҳарланиш оқибати ўлим билан тугашининг олдини олиш мумкин бўлади.

Кимёвий заҳарли модданинг таъсирини тўхтатиш учун турли усуллар қўлланилади. Ингаляцион заҳарланишларда аввало жабрланувчига фильтровчи газниқоб ёки респиратор кийдириб, уни заҳарланган мухитдан олиб чиқиш лозим.

Кийим бош ва тери қопламлари заҳарли моддалар билан ифлосланганда, бундай ҳолларда ифлосланган кийимни ечиб, терини кўп микдорда тоза сув билан ювиб ташлаш лозим.

Заҳарли моддалар билан оғиз орқали заҳарланиш ҳолларида эса, кисқа вақт ичида зонд ёрдамида ошқозон ювиб ташланади. Ошқозон ювилиши, жабрланганнинг аҳволи ва заҳарланиш вақтидан қатъий назар ўтказилиши лозим. Куйдириш хусусиятига эга бўлган заҳарли моддалар билан заҳарланиш юз берганда, ошқозон ювилиши, ювинди сувларда қон аникланганига қарамай, ўсимлик ёғи суртилган зонд ёрдамида ўтказилади.

Ошқозонни ювишдан аввал тери остига морфин гипохлорид (1% эритмаси 1 мл) ва атропин сульфат (0,1% эритмаси 1 мл)нинг эритмалари юборилади.

Ошқозондан ичакка ўтган заҳарли моддаларни ювиш мақсадида юқори сифон клизмалари буюрилади. Ошқозон-ичак ўйларидағи қолган заҳарли моддаларни адсорбция орқали, таъсирини камайтириш мақсадида фаоллашти-рилган кўмир сув билан аралашмаси (100-150 мл сувда 80-100 г. фаоллаштирилган кўмир кукуни), ошқозон ювилишидан аввал ва сўнг юборилади (зонд ёрдамида ҳам юбориш мумкин).

Жабрланганнинг нафас олиши кескин сусайганда ёки тўхтаганда шошилинч тиббий ёрдам, уларга сунъий нафас бериш йўли билан амалга оширилади. Кимёвий заҳарли моддалар билан заҳарланганларда травматик жароҳат натижасида қон кетишини тўхтатилиши ҳам, шу тиббий ёрдам қаторига киради. Юрак фаолияти тўхтаганда ёпиқ (бильвосита) юрак массажи ёки унинг электр токи ёрдамида фаоллаштириш усуллари қўлланилади. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишида, соматик касалликларни даволашда қўлланиладиган дори воситалардан фойдаланилади. Фарқли томони, маҳсус антидотлар қўлланилишидадир.

Маҳсус антидотлар (қарши заҳарлар) ёрдамида даволаш, одам организмига таъсир қилиш (токсик) механизми маълум ҳамда унга «қарши восита» мавжуд бўлган заҳарли кимёвий моддалар ёрдамида ўтказилади.

Антидотлар таъсир қилиш механизмига кўра, қуидаги гурухларга бўлинади:

-физикавий жараёнлар асосида таъсир қиласидан воситалар (сорбентлар – фаоллаштирилган кўмир, ваulen ва бошқалар);

-захарли модда билан кимёвий реакцияга киришиш йўли орқали заарсизлантирувчи воситалар (калий перманганат, унитиол ва бошқалар);

-организмда заҳарга ўхшаш кимёвий бирикмаларни ҳосил қилувчи воситалар (амилнитрит, натрий нитрит – цианид кислотаси ва цианидлар билан заҳарланганда).

-захарли модда билан, фермент, рецептор ва бошқа физиологик тизимларга таъсир қилишда конкуренция қилувчи воситалар (холинэстреза ферментини ишдан чиқарувчи моддалар билан заҳарланганда – холинестераза ферментини кайта фаоллаштирувчи воситалар ҳамда холинолитиклар;

-захарли модда билан, унинг ўзгариш (метаболик) жараёнларига таъсир қиласидан воситалар (метанол билан заҳарланган тақдирда - этанол қарши заҳар сифатида фойдаланилади).

Кимёвий заҳарли моддалар билан заҳарланиш оқибатида юзага келган терминал ҳолатларда специфик даволаш учун, физиологик антогонист ҳисобланадиган қарши заҳарлардан фойдаланиш юқори самара беради.

Токсик моддаларни организмдан, хусусан қон айланиш тизимидан чиқариб юбориш, турли моддалардан заҳарланишларни даволашда самарали муолажа-лардан бири ҳисобланади.

Захарланганларга ёрдам кўрсатишида комплекс токсикологик тадбирларни ўтказиш, яъни организмга ютилган заҳарли моддани ундан тезлик билан чиқариб юбориш, заҳарга қарши ишловчи (антогонист) моддани организмга



киритиш, интенсив терапия тадбирларини амалга ошириш, кейинчалик сақланиб қолиши мумкин бўлган заҳарланишнинг салбий оқибатларини олдини олиш кутилган ўз ижобий натижасини беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.И.Маматов Ҳарбий токсикология ва тиббий муҳофаза. Тошкент 1977 й.
2. Основы организации лечебно-эвакуационного обеспечения при ликвидации медико-санитарных последствий чрезвычайных ситуаций. Редакционный совет: С.Ф.Гончаров и др. Пособие для врачей. Москва, Всероссийский центр медицины катастроф “Защита”, 2001г.
3. Оказание медицинской помощи поражённым при радиационных авариях на догоспитальном этапе. Редакционный совет: С.Ф.Гончаров и др. Пособие для врачей. Москва, Всероссийский центр медицины катастроф “Защита”, 1999 г.
2. А.В.Зюзин, В.И.Семенов “Защита производственного персонала и населения от СДЯВ на химически опасных объектах”, Мединор, Москва, 1994 г.

